



Вилойат ижтимоий-сиеңи газетаси

# Жанубий қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқады

2021 йил 21 август, шанба. №84 (2989).



ҚОЗОҒИСТОН  
ПРЕЗИДЕНТИ  
ҚАСИМ-ЖҮМАРТ  
ТҮҚАЕВ  
РОССИЯ  
БОШ ВАЗИРИ  
МИХАЙЛ  
МИШУСТИН  
БИЛАН  
УЧРАШДИ

## ҚОЗОҒИСТОН – РОССИЯ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК – АМАЛДА

Давлат рахбары Қозоғистон ва Россия Баш вазирлари ўртасидаги музокаралар натижаларини юкори баҳолади.

– Иккى мамлакат ўртасидаги савдо-иктиносидай ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Ҳамкорликни янада күчайтиришга имкон берадиган мұхым битимларни имзолашга тайёр гарлап күрілмоқда. Пандемия туфайли юзага келгандар барча қыйинчиликтарға қарамай, охирғи 5 ой мобайнида иккى мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 26 фойзге ошди, – деди Қасим-Жұмарт Тұқаев.

Қозоғистон Президенти келгусидай иктиносидай алоқаларни мустақкамлаштыруға өткізу үшін көмек көрсетті.

– Бизнинг режамиз – аниқ лойихаларни амалга ошириш орқали ҳам-

корлигимизни мустақкамлаш. Ҳозирги вақтда иккى мамлакат хукуматлары машинасозлик, қишлоқ ҳұжалиғи ва башқа мұхым соҳаларда ийрик лойихаларни амалга ошириш устида ишламоқда. Биз бу йұналишда ишлешіздегенде да оның мүнисипалитеттің қызығынан қорғауда көзқарастырылады. Биз бу йұналишда ишлешіздегенде да оның мүнисипалитеттің қызығынан қорғауда көзқарастырылады.

Россия Баш вазири Михайл Мишустин Қасим-Жұмарт Тұқаев Президент Владимир Путиннинг саломын етказды.

– Биз Қозоғистон билан дүстлик, ҳамкорлик ва иттифоқчылық муносабатларимизни құралдаймыз. Хукуматларимизни ўртасидаги муносабатлар юксалмоқда. Айниқса, савдо-иктиносидай ҳамкорлигимиз жадал ривожланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярьмада үзаро товар айрбошлаш үшін көзқарастырылады. Бизнинг режамиз – аниқ лойихаларни амалга ошириш орқали ҳам-

соҳасида ҳам мұваффақиятта иш олиб борноқдамыз. Россия бизнеси Қозоғистондагы 32 ийрик лойихада иштирек жасайды. Қозоғистонлик ҳамқасбларимиз ҳам Россия лойихаларыда фаол иштирек жасайды. – деди Михайл Мишустин.

Сұхбат чөнда томонлар Қозоғистон ва Россия ўртасидаги пандемияға қараш кураш ва вакциналарни биргаликта ишлаб чиқарып көзінде қарастырылады. Томонлар минтақалар үртасидаги муносабатларнан ижобий динамикасы қақыда ҳам фикр алмашылған. Давлат рахбарлари иштиреке көзінде жорий йилнинг күндерінде қызығынан қорғауда көзқарастырылады. Бизнинг режамиз – аниқ лойихаларни амалга ошириш орқали ҳам-

Akorda.kz.

ишилаб қиқарувчиларига ёки қишлоқ ҳұжалик ширкатларига гречка ва ёғбоп экинлар учун жорий йилда субсидиялар тұлашни назарда тутады. Шу билан биргә, қарор иссиқхоналарда етиширилген помидор ва бодринг уруғларининг қаржатларини қысман қоплашни ҳам әзтиборға олади. Шуннингдегі, әлита уруғларига субсидиялар ажратылғанда қаржатлар тутады. Қарор биринчи расмий әзілден қылғанда үн күн үтгач, күчтегі киради.

Казинформ.

## АФГОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ ЮЗАСИДАН БАЁНОТ БЕРИЛДИ

Қозоғистон Афғонистондаги вазиятни дікіктә билан күзатмоқда. Бу мамлакат тарихида яна бир қал құлувчи фуррат яқынлашылғанда. Узоқ давомтаса әттан мажаророни афғон халқыннан үзи қал қилиши керак.



ҚР Ташқи ишлар вазирилар матбуот хизмети қызығынан қарастырылады. Қозоғистон барча томонларни ичке барқарорларын үрнәтиш пойдевори сифатыда қоғамияттың тиң үйлесінің үтишини таъминлашықа қарарады.

«Биз БМТ Хафғасынан адолатты үйлесінің үтишини таъминлашықа қарарады. Бынан кейін қарастырылады. Қозоғистон Афғонистондаги вазиятни дікіктә билан күзатмоқда. Бу мамлакат тарихида яна бир қал құлувчи фуррат яқынлашылғанда. Узоқ давомтаса әттан мажаророни афғон халқыннан үзи қал қилиши керак», дейилади вазирилар.

## БМТ ТАШАББУСЛАРИ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДЫ

БМТНИҢ АФГОНИСТОНГА ЁРДАМ  
БЕРАДИГАН ТАШКИЛОТЛАРИ  
ВАҚТИНЧА АЛМАТИДА ЖОЙЛАШАДЫ

Бирлашган Миллаттар Ташкилотининг Афғонистондаги ёрдам миссиясы (UNAMA) ва БМТНИҢ АИРДА АККРЕДИТАЦИЯДАН ҮТГАН БОШҚА АГЕНТЛІКЛАРЫ АЛМАТИДА ВАҚТИНЧА ЖОЙЛАШАДЫ. БУ ҚАҚДА Kazinform Ташқи ишлар вазирилары ассоциациясынан хабар берди.

Президент Қасим-Жұмарт Тұқаев Қозоғистон ушбу ташкилоттада түлақонлы аязоси сифатыда үз мажбүрияттерді доирасыда БМТ талабини құллағынан қаржатлар тутады. Бугун, UNAMA ходимлары билан биринчи рейс Алмати аэропортада қылғанда. Ташриф буюрган ходимлар – қаржатлар дипломаттар, БМТ вакиллары. Ходимларни жойлаштырыш, идора ва биноларни ижарага беріш жағдайда үн күн үтгач, күчтегі киради.

(Давоми 3-бетда). ▶

## ДЕҲҚОНГА МАДАД

ҚОЗОҒИСТОНДА ҚИШЛОҚ ҲҰЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИГА  
ЯНГИ ҚОЙДАЛАРГА МУВОФИҚ СУБСИДИЯ БЕРИЛАДЫ

Қозоғистон Республикасы Қишлоқ ҳұжалиги вазириларының үсімлік-жыныспараларынан қаржатлар тутады. Қозоғистон Республикасы Қишлоқ ҳұжалиги вазириларының үсімлік-жыныспараларынан қаржатлар тутады. Қозоғистон Республикасы Қишлоқ ҳұжалиги вазириларының үсімлік-жыныспараларынан қаржатлар тутады.

Гречка ва ёғбоп экинларни етиштириш билан шуғулланады. Қишлоқ ҳұжалиги ишлаб чиқарувчиларниң үсімлік-жыныспараларынан қаржатлар тутады. Қозоғистон Республикасы Қишлоқ ҳұжалиги вазириларының үсімлік-жыныспараларынан қаржатлар тутады.

Шуғулланады. Қишлоқ ҳұжалиги ишлаб чиқарувчиларниң үсімлік-жыныспараларынан қаржатлар тутады. Қозоғистон Республикасы Қишлоқ ҳұжалиги вазириларының үсімлік-жыныспараларынан қаржатлар тутады.

Унга биноан қишлоқ ҳұжалиги

## ЛАТИФ ШАҲАР – ТУРКИСТОН



Туркистонни қадим-қадимдан шарқ гавҳари дейдилар. Бу ерга келган ҳар бир сайёх ўзи излаган, қўмсаған гўзалликни топган. Туркистон қадими мөъморчилик иншоатларига, тарихий ёдгорликлар, обидалар, аждодлардан мерос бунёдкорлик намуналарига, осори-атиқаларга бой шаҳар.

Халқимиз олис ўтмишдан бошлаб тарихнинг барча даврларида шаҳарсозлик маданиятида, гўзал иншоатлар, иморатлар қуриш борасида бунёдкор миллат сифатида шухрат қозониб келган. Истиқол юлларида халқимизнинг асрлар давомида шаклланган шаҳарсозлик маданиятини юксалтириш йўлидаги бунёдкорлик ишларига кенг йўл очиб берилди. Туркистон замонавий ва миллий шаҳарсозлик режаси асосида қайта қурилиб, тикламоқда, янгидан бунёд этилиб, гўзал қиёфа касб этмоқда.



Бир пайтлар Ҳазрат Султон мадрасасининг нураган хароба томи узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб дилимизда маҳзун ҳислар уйғотарди. Хайриятки, бугун у асл ҳолатига қайтди. Тарихий обидалар маънавий янгиланди, атрофлари очилди, ободонлаштирилди, янгидан қурилди...

Элбошининг тарихий Фармони имзоланган кундан эътиборан Туркистон тарихида янги саҳифа очилди. У вилоят марказига айланди ва Туркистон шаҳрига вилоят ҳокимлиги тасарруфидаги 24та бошқарма, вилоят маслаҳати, жамоатчилик кенгаши ҳамда 28 департамент кўчирилиб, маҳсус тайёрланган идораларга жойлаштирилди. Сайёҳлар учун шаҳардаги замонавий лойиҳа асосида бир кечакундузда 60 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга «Royal Grand hotel» мөхмонахона мажмуаси ишга туширилди. «Ўтрор» кичик туманида 900 ўринли мактаб қурилиши бошланиб, 280 ўринли болалар боғчаси давлат-хусусий ҳамкорлиги доирасида барпо этилди ва фойдаланишга топширилди.

Вилоят марказини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари узвий давом этмоқда. Қурилаётган иморатларнинг барчаси Ўрта Осиё услубида, яъни кўхна даврдаги мөъморчилик

намуналари асосида барпо этилмоқда.

Туркистонда шаҳар қурилиши уч йўналишида олиб борилмоқда. Биринчи йўналиш – «Тарихий ҳудуд», иккинчи йўналиш – «Маънавий-маданий марказ», учинчиси – маъмурӣ-тадбиркорлик маркази.

Туркистоннинг буғунги ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қатор тадбирлар амалга оширилди. Шаҳarda аҳолининг 94,1 фоизи тоза ичимли сув билан таъминланган. Шаҳардаги қурилиш ишларини вилоят ҳокими Ўмирзак Шўкеев назоратга олган.

Туркистон қисқа мuddат ичидаги таниб бўлmas қиёфага кирди. Бу ердан сайёҳларнинг қадами узилмайди. Тобора кўркам ва обод бўлиб бормоқда. Уни мажозий маънода мозий ва буғуннинг ўртасидаги кўпприкка қиёслаш мумкин. Уни бугун том маънода кўхна ва навқирон Туркистон деб атасак тўғрироқ бўлади.

Туркистон вилоятида 678ta маданият ҳамда санъат муассасаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Вилоят маркази Туркистон шаҳriga кўчиб ўтиши муносабати билан вилоятнинг 12ta маданият ҳамда санъат муассасаси Шимкент шаҳрига берилди. Яъни, 5ta театр, 3ta кутибхона, 2ta маданият маркази, 1ta музей, 1ta цирк. Вилоятдаги маданият ўчоқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 117 млн. 741 минг тенге маблаг ажратилди. Унга автотранспорт, саҳна либослари ва бошқа усуқуна-жизоҳлар харид қилинди.

Шунингдек, «Онгустикфильм» ҳамда «САҚ» киностудияси Элбошининг дастурий мақоласи доирасида қатор лойиҳаларни амалга ошириди. Чунончи, «Ўрдабоши бирлик туғи», «Ўқсиз», «Туркистон» анимациявий фильмлари ҳамда 10 серияли «Тўле бий» тарихий тележикояси суратга олинди. Давлат раҳбарининг «Буюк Даштнинг етти кирраси» мақоласи доирасида «Аҳмад Яссавий» тележикояси, «Ал-Форобий» бадиий фильми ҳамда «Қамбар ботир» ва «Саврон шаҳарчаси» анимациявий фильмлари суратга олинди.

**«Жанубий Қозғистон» мухбири.**

## ПАРЛАМЕНТ МАЖЛИСИННИГ ДЕПУТАТЛАРИ ТУРКИСТОНДА

Туркистон вилоятига Қозғистон Республикаси Парламент Мажлисининг депутатлари, Nur Otan фракциясининг аъзолари Ержан Қудайбергенов, Дархан Минбай, Елнур Бейсенбаевлар маҳсус хизмат сафари билан ташриф буюрди. Парламент Мажлисининг Депутатлари сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб, партиянинг сайловолди дастурини амалга оширишга бағишиланган йўл ҳаритасининг ижросини назорат қилиб, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини баҳолади.



Вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosари Арман Жетписбайнинг қабулида бўлган ҳалқ депутатлари Туркистон вилоятини тараққий этириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар билан Nur Otan партиясининг сайловолди дастурини амалга ошириш борасидаги Йўл ҳаритасининг Туркистон вилоятидаги ижросини кўриб чиқдилар.

Минтақадаги бир қатор муҳим масалалар кўтарилиб, вилоят раҳбарлари билан уларнинг ҳал этиш йўллари муҳокама

қилинди. Ҳозир Туркистон вилоятининг ҳар бир туман, шаҳрида ва вилоят даражасида 17та Йўл ҳаритаси бўйича ишлар қилинмоқда.

Шу билан бир қаторда, Мажлис депутатлари Туркистон вилоятининг тараққиётига юқсан баҳо берип, асосий қонун чиқарувчи органларининг фаолияти ва қонун лойиҳаларига тўхталиб ўтишиди.

**Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.**

## ВИЛОЯТИМИЗ РЕСПУБЛИКАДА КАРВОНБОШИ

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ “ОДДИЙ БУЮМЛАР ИҚТИСОДИЁТИ” БЎЙИЧА ЕТАКЧИ



Вилоятимиз “Оддий буюмлар иқтисодиёти” дастури доирасида маъқулланган лойиҳалар бўйича республикада 1-ўринни эгаллаб келмоқда. Вилоят тадбиркорлар палатаси майдонида вилоят ҳокими ўринbosари Рашид Аюпов иштирокида “Оддий буюмлар иқтисодиёти” бўйича ҳудудий лойиҳа кенгашининг мажлисида ушбу кўрсаткич маълум қилинди. Унда тадбиркорлик ва савдо бошқармаси вакиллари, иккинчи даражали банклар ва кичик молия ташкилоти етакчилари ҳамда туман ҳокимларининг ўринbosарлари онлайн шаклда иштирок этишиди.

Вилоят тадбиркорлар палатаси директори Тимур Нақибековнинг маълум қилишича, минтақада “Оддий буюмлар иқтисодиёти” дастури доирасида 50,2 млрд. тенгелик 311ta лойиҳа бор. Жумладан, 41,7 млрд. тенгелик 307ta лойиҳа маъқулланниб, молиялаштирилган. Яна 5ta лойиҳа муҳокама қилинмоқда. Маъқулланган лойиҳалар бўйича Туркистон вилояти республикада карвонбоши.

Таъкидлаш жоизки, молиялаштирилган лойиҳаларнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги соҳасига оид. Уларнинг 81 фоизи “Аграр насия корпорацияси” орқали молиялаштирилади. Бугунги кунда насия

корпорациясида дастур доирасида лойиҳаларни насилашга маблаг етарли эмас. Натижада лойиҳаларни молиялаштириш вақтинча тўхтаб турибди. Тадбиркорлар насия беришда қишлоқ жойлардаги иккинчи даражали банклар улуши пастлигини айтишмоқда. Мажлиса банклар ва бошқа ташкилотларнинг стартап лойиҳаларни насилаш кўрсаткич пастлиги айтилди.

Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун ёш тадбиркорлар ментор ва молиявий кўллов кўрсатиш учун 2021 ийли “Кесіпкерлік қырандары” лойиҳаси ишга туширилди. Бугунги кунда менторлар кўллови кўрсатилмоқда. Шунингдек, қишлоқ жойлардаги ва ишини янги бошлаган тадбиркорларни “Атамекен-Туркистан” микромолия ташкилоти орқали, “Turkistan” корпорацияси ҳунармандларга тавсия қилган насия ва сайдёхлик соҳасидаги лойиҳаларни кўллаб-куватлаш учун “Turkistan” корпорацияси билан биргаликда насия орқали кўллаш режалаштирилмоқда.

Мажлиса “Оддий буюмлар иқтисодиёти” маҳсулотларини сотиб олишда маҳаллий қамраб олиш улушини мониторинг қилиш доирасида аниқланган масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## СЕССИЯ ҮТДИ

Еттинчи чақирик Туркистан вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари саккизинчи сессияси онлайн тартибида үтди.

Сессияни вилоят маслаҳати котиби Қ. Балабиев олиб борди, кун тартибида қўйидаги масалалар кўрилди:

1. Туркистан вилояти Арис ва Ўрдабоши туманлари чегарасини ўзгартириш тўғрисида.

2. Туркистан вилоят маслаҳати баъзи депутатларининг ваколатларини муддатидан аввал тўхтатиш тўғрисида.

3. Туркистан вилоят маслаҳатининг 2021 йил 15 январдаги №1/5 VII "Еттинчи чақирик Туркистан вилоят маслаҳатининг доимий комиссиялари аъзоларини сайлаш тўғрисида" қарорига ўзгартишилар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

Кўрилган мазкур масалалар юзасидан вилоят маслаҳати депутатлари тегишли қарорлар қабул қилди.

Вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари саккизинчи сессиясида Туркистан вилоят маслаҳатининг депутатлари Р. Шимелкова ва Н. Абдиразақованинг депутатлик ваколатларини муддатидан аввал тўхтатиш масаласи кўрилиб, қарор қабулланди.

Натижада, Қозоғистон Республикаси қонунчилиги мувофиқ, лавозимга тайинланиши туфайли депутатлик вазифаларини бажариш имкони бўлмаган Туркистан вилоят маслаҳатининг депутатлари Рўза Жумакилишкизи Шимелкова ва Нургул Пердебайқизи Абдиразақованинг депутатлик ваколатлари муддатидан аввал тўхтатилди.

Туркистан вилоят маслаҳатининг депутатлари этиб Керимхан Жанисули Қадирбеков ва Жансерик Мусаханули янгидан сайланди.

М. УСМОНОВА.

## САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК – БОШ МАҚСАД

ТОШКЕНТДА МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ  
ОСИЁ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК  
ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Тошкентда «Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги: пойдевори, истиқболлари, геостратегик аҳамияти» мавзууда ҳалқаро илмий-амалий анжуман үтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси шафелигига ташкил этилган учрашувда Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раисининг ўринbosari Asqar Shakirov иштирок этди, дея хабар беради ҚР Сенатининг матбуот хизмати.

Аскар Шакиров Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги савдо-иктисодий ва сармоявий ҳамкорликни юксалтириш зарурлигини таъкидлadi. Спикер ўринbosari Марказий Осиё минтақасининг салоҳиятига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда 75 миллиондан зиёд аҳолини қамраб олган минтақанинг йиллик ялпи ички маҳсулоти қарийб 300 миллиард доллардан ташкил этади. Ташкил савдо айланмаси 145 миллиард доллардан ошади. Бундан ташқари, «Бир белбоғ – бир йўл», Транскаспий ҳалқаро транспорт даҳлизи, Евросиё иктисадий иттифоқи каби кенг кўламли лойиҳалар доирасида шаклланган Евроосиё марказидаги транспорт интеграциясига алоҳида эътибор қаратилди.

Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев шу йил 6 августда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувида шу масалага тўхтатланган эди.

Спикер ўринbosari, шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалаларига, хусусан, Афғонистондаги ҳозирги вазиятга эътибор қаратди ва бу борада музокаралар олиб борадиган ижобий платформалардан фаол фойдаланишга чақириди.

– Адолатли ва тенг ҳуқуқли давлат ғояси ўз аҳамиятини йўқотмаган. Муаммони ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун, қарама-қарши томонлар музокаралар ўтказиши зарур, – деди Аскар Шакиров.

Анжуман давомида минтақаларaro ҳамкорликни барқарор ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Минтақа давлатлари ўртасида сиёсий, дипломатик, савдо-иктисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ошириш, бу соҳада самарали дастакларни ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

Информбюро.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ЭЛЧИХОНА ЁПИЛМАЙДИ

Қозоғистон Ташки ишлар вазирлиги Афғонистоннинг Қозоғистондаги элчихонаси ёпилмаслигини маълум қилди.



– Афғонистоннинг Қозоғистондаги элчихонаси ўзиши давом эттиради, – деди ҚР Ташки ишлар вазирлигининг расмий вакили Айбек Смадијоров.

«Қозоғистонда яшовчи афғон фуқаролари нима бўлади? Улар орасида Афғонистон фуқаролари ва мамлакатда қолиш муддати тугаётган талабалар ҳам бор?» деган саволга А. Смадијоров улар Афғонистоннинг Қозоғистондаги элчихонасига мурожаат қилишса, масала алоҳида тартибида кўриб чиқилишини айтди.

## ҚОЗОҒИСТОН САМОЛЁТЛАРИГА АФГОНИСТОН УСТИДАН УЧИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Бу ҳақда Қозоғистон авиаация маъмурияти маълум қилди.



«Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2017 йил 23 октябрдаги 373-сонли қарори билан тасдиқланган Авиация хавфсизлиги дастури талабларига мувофиқ «Қозоғистон авиаация бошқармаси» ҲЖ маҳаллий авиакомпаниялар Афғонистон ҳаво ҳудудидан фойдаланиш билан боғлиқ таҳдид ва хавфларни баҳолади. Натижада Афғонистон ҳудудида ва унинг ҳаво ҳудудида парвозлар пайтида йўловчилар ва самолётларнинг хавфсизлигига ҳавф ва таҳдидлар борлиги сабабли ушбу қарор қабул қилинди», дейилади агентлик хабарида.

Бу қарор мамлакатдаги вазият барқарорлашгунга қадар амалда бўлади. Худди шундай кўрсатма «Қазақстан авиагруппа» республика давлат корхонасига ҳам юборилган.



## АМРУЛЛА СОЛИХ, ЎЗИНИ АФГОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Амрулла Солих ўзини Афғонистон Президенти вазифасини бажарувчи деб эълон қилди. Худди шу мазмундаги баёнотни у ўзининг «Твиттер»идаги саҳифасига жойлаштирган.



«Афғонистон Ислом Республикаси Конституцияси мувофиқ, президент йўқлигига, қочганида, истеъфога чиққанида ёки вафот этганида, биринчи вице-президент унинг вазифасини бажарувчи бўлади. Мен мамлакатдаман ва қонунга биноан, мен қонуни давлат раҳбари вазифасини бажарувчиман. Бу вазифани бажаришда мамлакатнинг барча раҳбарлари билан маслаҳатлашаман», дейилади унинг баёнотида.

«Толибон» Қобулга кириб келиши билан мингминглаб маҳаллий аҳоли вакиллари мамлакатни тарқ этиш илинжида аэропортга тўпланди. Ҳатто, айрим фуқаролар учуб кетаётган самолёт қанотларига ҳам чиқиб олди. Натижада маълум вақт давомида аэропортда иш тўхтаб қолди. Аэропорт худудида тартиби сақлаш учун ўқ отар қуроллардан ҳам фойдаланилган.

Афғонистон президенти Амрулла Солих кучлари «Толибон»га қарши жанг бошлаган. Қўшинга генерал Абдул-Рашид Дўстум бошчилик қилмоқда.

Афғонистон вице-президенти Амрулла Солих (олдинроқ у ўзини мамлакат президенти деб эълон қилган эди) кучлари «Толибон»га қарши жангга киришган.

«РИА Новости»нинг Афғонистон пойтахтидаги ҳарбий маңбага таяниб хабар беришича, Амрулла Солих кучлари Қобул шимолидаги Парвон вилояти Чориқар туманини «Толибон»дан қайтариб олган.

«Ҳозир жанглар Панжшир вилоятида давом этмоқда», дейилади манбада.

Айни пайдада генерал Абдул-Рашид Дўстум бошчилигидаги Афғонистон армиясининг 10 минг шахсий таркиби минтақага юборилмоқда.

Чориқарда стратегик аҳамиятга эга йўл Саланг туннели жойлашган. У Қобулни Афғонистон шимолидаги энг йирик шаҳар Мозори Шариф билан боғлади.

Солих Афғонистонни ташлаб қочган президент Ашраф Фанидан фарқли ўлароқ мамлакатда қолган.

**Қозоғистон ва жаҳон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.**

## QazVac – Қирғизистонда!

Қозоғистоннинг QazVac вакцинаси Қирғизистонда расмий равишда рўйхатдан ўтди.

Бу ҳақда ҚР Соғлиқни сақлаш вазири Алексей Цой Facebook саҳифасига маълум қилди.

«QazVac Қирғизистонда расмий равишда рўйхатдан ўтди», деб ёзган вазир.

Эслатиб ўтамиз, QazVac вакцинасининг 25 минг дозаси Қирғизистонга гуманитар ёрдам сифатида етказилган. Бир ой муқаддам ҚР Президенти Ҳукуматга QazVacни экспорт қилиш масаласини ишлаб чиқиши топширганди.

\*\*\*

Дунёга машҳур The Lancet журнали «QazVac» вакцинаси ҳақида мақола чоп ётди.

«The Lancet» журнали маҳаллий «QazVac» вакцинасининг клиник синовларининг 1-2-босқичлари натижалари ҳақида мақоланинг электрон нусхасини нашр ётди», деб хабар беради Казинорм.

Хозирги кунда мамлакатимизда бия сути билан даволаш усули жадал ривожланмоқда. Шу мақсадда Түлебий туманиндағы Диханқұл ахоли манзилида хусусий табдиркор Нурбұлат Абильдаев 23 кишига мұлжалланган даволаш-сөглемлаштириш марказини ишга туширди. Бия сути билан даволанувчилар мамлакатимизнинг гарбий минтақасидан махсус келиб, марказда дам олиб, даволанишмоқда. Махсулоттайдырлаш учун 5 бия сөгілмоқда.

Қымыз билан даволаш ўн кунни ташкил этади, ҳар бир одам кунига бир литр бия сути истеъмол құлиши керак экан.

Дардига даво топаётгандар марказда уч маҳал овқат, 4 маҳал бия сути ичиб, дам олишмоқда. Сөглемлаштириш марказида 10та хона мавжуд, ҳозирги пайтада марказ атрофи ва ҳовилилар ободонлаштирилмоқда.

– Бия сутининг шифобаҳаш хусусияти ҳақида олимлар унинг қирқа яқин дардга

## ШИФО МАРКАЗИ ОЧИЛДИ



### ЕТТИ ОЙДА ЕТТИ МИЛЛИОН ТОННА НЕФТЬ

ҚР Энергетика вазирлигининг маълумотига кўра, жорий йилнинг етти ойда Қозоғистон 7 млн. тоннадан зиёд нефть махсулотларини ишлаб чиқарди.

Автобензин кўрсаткичи 2,7 млн. тонна, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,3 фоизни ташкил қилган. Қайта ишланган дизель ёнилғисининг ҳажми 2,8 млн. тонна, бу 2020 йил етти ойи кўрсаткичи билан тақослагандар, 109 фоизни кўрсатди. Ҳаво транспорти ёнилғиси бўйича кўрсаткич 323 минг тонна, ўтган йилнинг ушбу даврига нисбатан 127,7 фоизни ташкил қилди. Мазут ишлаб чиқариш 1,4 млн. тоннани ташкил қиласди, Шунингдек, нефть-кимё махсулотларининг ҳажми 84,5 минг тонна, бу ҳисобот даври режасининг 100 фоизини кўрсатади, дейилган муассаса маълумотида.

### ЯНГИ СУҒУРТА ТИЗИМИ

ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бозорга янги маҳсулотлар чиқариш билан бирга, сугурта тизимини кириди.

Бугунги кунда чорвачилик соҳасида сугурта мукофотларининг бир қисмини субсидиялаш мақсадида 6ta маҳсулот тасдиқланди. Эндиликда ушбу рўйхатга паррандаларни сугурталаш кўшилди. Оператор сифатида «Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-куватлаш жамғармаси» ҲЖ тасдиқланди. Сугурта учун камидан 30 бош парранда бўлиши жоиз. Паррандаларнинг сонига қараб, 2,31 фоиздан 2,77 фоизгача турли даражадаги тарифлар тасдиқланди. Ушбу маҳсулотни оператор тасдиқлаби учун сугурта мукофоти қимматининг 50 фоизини субсидиялаш орқали сугурта шартининг ярим баҳосини арzonлаштиришга йўналтирилган.

### ГЎШТ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БАҲОСИ ИНФЛЯЦИЯГА ОЛИБ КЕЛМОҚДА

Июнь ойида озиқ-овқат баҳосининг йиллик ўсиш даражаси 10,6 фоиз бўлса, июль ойида 11,0 фоизгача кўтарилиган. Айниқса, гўштнинг барча турлари қимматлади.

Миллий банк буни харажатлар ортиши билан боягайди. Банк мутахассислари ташки бозорда озиқ-овқат баҳосининг ўсиши пасайганини айтади. Аммо, бу ички бозорга таъсир этмаган. Аксинча, ўсимлик мойи ва қанднинг қимматлашуви билан давом этган. Июль ойида элизимзининг жануби ва кўшни давлатлардан сабзавотнинг катта миқдори келтирилишига қарамай, баҳо янада ўсган. Электр тарифи апрелдаги рекорд ўсишни такрорлаб, инфляция 5 фоизга тезлашди.

М. УСМОНОВА.

Қозоғистонда миллий ва давлат ОЎЮ ўқитувчиларининг ойлик маоши 2021 йил сентябрдан бошлаб ошади.

### ОЎЮ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАОШИ ОШАДИ

Сентябрь ойидан эътиборан вазирликка қарашли олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг маоши оширилади. Улар ойига камидан 200 минг тенге оладилар. Катта ўқитувчининг маоши 230 минг тенге, профессорлар маоши – 350 минг (миллий университетлар – 400 минг тенге). Ушбу қарор ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг ОЎЮ ўқитувчиларининг маошини оширишга оид қарори доирасида қабул қилинган.

Штатдаги ўқитувчилар энг кам иш ҳақи миқдорини белгилаш тўғрисидаги тегишили бўйруқ Таълим ва фан вазири Асхат Аймагамбетов томонидан имзоланган. Шунингдек, уларнинг маоши ошса, юкламаси камаяди.

– Биз ўқитувчилар учун тизимли равишида қулай шарт-шароитлар яратмоқдамиз, уларнинг маоши ва мақомини оширишни кўзда тутганимиз. ОЎЮ ўқитувчиларининг маоши ҳам ошади. Агар биз олий таълим олишинондо кеҳласак, ўқитувчига муносиб маош тўлаш кераклигини тушунишимиз керак. Шу билан бирга, биз олий ўқув юртларидан сифатли иш, ўқитувчилардан эса ўқув жараёнига янада масъулият билан ёндашишни талаб қиласми. Энди штатдаги ўқитувчиларнинг энг кам иш ҳақи 200 минг тенгени ташкил этади. Бундан ташқари, ҳар бир университет бошқа рағбатлантирувчи тўловларни белгилashi ва ўқитувчиларнинг маълум ютуқлари учун қўшимча ҳақ тўлаши мумкин. ОЎЮ директорлар кенгаши бу масалани алоҳида назоратга олиши керак, – деди ҚР Таълим ва фан вазирининг ўринбосари Қ. Ергалиев.

ҚозАхборот.

### КЕНТОВДА ЙЎЛ ХАВФИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНЯПТИ

Кентовни хавфсиз шаҳарга айлантириш учун атрофлича ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ҳокими Даурен Махажанов ахоли хавфисизлигини таъминлаш мақсадида қатор чораларни амалга ошириш топшириғини берди. Масалан, янги светофорлар, сунъий йўл тўсиқларини ўрнатиш ва пиёдалар йўлагини барпо этиш вазифаси шулар жумласидан. Мазкур ишлар жадвалга кўра амалга оширилмоқда.

Жорий йил ушбу мақсадда шаҳарда жами 11та кўча муюлишига 160га яқин светофор ўрнатиш ва марказий 21та кўчада пиёдалар ўтиш жойини барпо этиш режаланган. Бугунги кунда барча светофорлар ўрнатилган. Шаҳардаги 4 кўчанинг муюлишидаги светофорлар овозли тизимга уланган. Бундан ташқари 21та кўчага пиёдалар ўтиш жойи чизилди.

Айтиш жоизки, Кентов шаҳрида йўл ҳаракати хавфисизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чоралар туфайли шаҳар ҳудудида йўл оғати ҳолати камайган.

Туркiston вилоятининг полициячилари гиёҳвандликка оид жиноятларнинг олдини олиб, уни бартараф этиш мақсадида қатор рейд тадбирларини ўтказмоқда.

Бу борада ТВ ПБ гиёҳвандлик жиноятига қарши иш-ҳаракати бошқарма-сига Қазиғурт туманиндағы ҳордик масканларининг бирида байдибеклик шахснинг психотроп модда истеъмол қилиб, гиёҳванд моддани ўзи билан олиб юргани тўғрисида тезкор ахборот келиб тушди. Полициячилар тиёзимли иш юритиб, гумондорни аниқлаши.

Текшириш пайтида унинг сумкасидан Зта пакетга солинган “Медакс” таблеткаси ва 7та шприц мусодара қилинди. Айни дамда гумондорга доир ҚР ЖКнинг 296-моддаси 2-банди билан жиноят иши очилди, тергов бошланди. Суд-тибий экспертизаси белгиланди.

М. САҶДУЛЛАЕВА.

### ● 102 ҳабар қиласди

### ФИРИБГАР ТОПИЛДИ

2021 йилнинг 13 августида Ал Форобий ТПБга Шимкент шаҳрида истиқомат қилиувчи шахс мурожаат қилган.

Ўз аризасида у таниши давлат томонидан бериладиган манзилли ижтимоий ёрдам пулини расмийлаштириб бераман, деб 50 минг тенге пулини нақд олиб, фирибгари билан алдаб кетганлигини қайд этган. ТПБнинг ходимлари тезкор қидирив ҷоғида унинг Шимкентда истиқомат қилишини аниқлаши. Қўлга олинган шахснинг бошқа жиноятларга алоқадорлиги ҳам аниқланди. Тергов ишлари юритилмоқда. Кўпроқ “ейман” деган ниятда, давлатдан ўзига тегишили бўлмаган моддий ёрдамни ундиришга ҳаракат қилиб, қаллобларга пул берип, уларни ишга туширишдан сақланинг. Акс ҳолда, қонун олдида жабрийда ҳам жавобгар бўлиб қолиши мумкин.

### КВАРТИРА ОРЗУСИДА ПУЛИДАН АЙРИЛДИ

2021 йилнинг 13 августида Абай ТПБга ҳаюртимиз мурожаат қилиб, номаълум шахсга OLX интернет тармоғи орқали квартира харид қилиш мақсадида кафолат сифатида 330 минг тенге юборганини, натижада қаллоблик туфайли алданиб қолганини баён қилган.

Шимкент шаҳар Абай ТПБ ходимлари “Anti-Fraud” жадал профилактика тадбирлари ҷоғида қаллобнинг Шимкентда истиқомат қилишини аниқлаган. Ушбу иш юзасидан тергов юритилмоқда. Бирор бир харидни ният қилган бўлсангиз, мутахассисларга мурожаат қилиб, обдон ўрганиб чиққач ишга киришишни маслаҳат берамиз.

### ЙИЛҚИЛАР СОҲИБИНИ ТОПДИ

Тулкибош ТПБга яйловдан нархи 1 млн. тенгелик 2 бош йилки йўқолгани тўғрисида арз тушди. Йўқолган молини топа олмагани учун полицияга мурожаат қилиб, ёрдам сўраган.

Тулкибош ТПБ ходимлари жадал қидирив чораларини юритиб, йўқолгани йилқиларни 4 соат мобайнида яйловдан топиб, соҳибиға қайтариши. Улар 15 чақирим олисдаги қўшни қишлоқ яйловидан топилган. Йилқилар соҳиби полиция майори Е. Бексейитов ва полиция капитани Н. Айимбетовга миннатдорчилес билдириб, ишларига муваффақият тилади. Полициячилар эса молни излашга вақт сарфламасдан, полицияга мурожаат қилиш самарали эканлигини исботлаши.

Жетисай туманида ҚР Ички ишлар вазири ва Туркiston вилояти ПБ топшириғига кўра, жамоат тартибини таъминлаш ҳамда ноқонуний миграцияни бартараф этиш мақсадида рейд тадбири юритилди. Тадбир чора доирасида Жетисай шаҳрида ноқонуний фаолият юритаётган 15 нафар хориж фуқаролар аниқланиб, маъмурӣ жавобгарликка тортилди. Уларга ҚР МҲКнинг 517-моддаси билан “Хорижлик ёки фуқаролиги йўқ шахснинг Қозоғистон Республикаси ахоли миграцияси қонунчилигини бузиши” юзасидан маъмурӣ байннома тўлдирилди. Қонуний чора кўриш учун Жетисай туман полиция бўлнимининг миграция хизмати ходимларига йўлланди.

### ГИЁҲВАНД ҚИЗ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Туркiston вилоятининг полициячилари гиёҳвандликка оид жиноятларнинг олдини олиб, уни бартараф этиш мақсадида қатор рейд тадбирларини ўтказмоқда.

Бу борада ТВ ПБ гиёҳвандлик жиноятига қарши иш-ҳаракати бошқарма-сига Қазиғурт туманиндағы ҳордик масканларининг бирида байдибеклик шахснинг психотроп модда истеъмол қилиб, гиёҳванд моддани ўзи билан олиб юргани тўғрисида тезкор ахборот келиб тушди. Полициячилар тиёзимли иш юритиб, гумондорни аниқлаши.

Текшириш пайтида унинг сумкасидан Зта пакетга солинган “Медакс” таблеткаси ва 7та шприц мусодара қилинди. Айни дамда гумондорга доир ҚР ЖКнинг 296-моддаси 2-банди билан жиноят иши очилди, тергов бошланди. Суд-тибий экспертизаси белгиланди.

Отамерос пайвандчилик, чилангарлик каби ҳунарларни пухта эгаллаб, бугунги кунда уста сифатида танилган мазкур қаҳрамонимизнинг яна бошқа қирралари-қобилиялари ҳам бор. У сантехника, курилиш, ёғочсозлик, мебелсозлик, савдосотиқ ишларидан ташқари, тиш шифокори ҳамдир.

Танишинг, шимкентлик Қудрат САРБОЕВ, "Сарбоев и К" МЧБ раҳбари.

– Пайвандчи сифатида бажаётган оловли ишларингизни, яъни Темир, металл қувурларни бир-бирига улаш ёки чилангар сифатида дастгоҳлар, асбоблар устида тер тўкишингизни тушуман. Зоро, улар бир-бирига ўхшаш ва бир-бирини тўлдиручи касб-хунарлардир. Лекин, стоматолог бўлиш учун алоҳида тиббий билим зарур ва бу соҳа, умуман бошқа-бошқа...

– 13 ёшимда пайвандчилик, чилангарлик дунёсига кириб келдим ва то бугунги кунга қадар ушбу мураккаб ишларни астойдил мөхр, иштиёқ билан бажариб келяпман. Темир-терсак жону дилим. Стоматология эса бу – хатоим эмас, балки, ютуғим. "Ийит кишига етмиш ҳунар оз", деганларидек,



– Иситиш тизими, яъни, батарея, сув, газ қувурларидан ташқари, электр, КЭМПИ, хуллас пайвандчилик ва чилангарликнинг барча турларини ўзлаштиридим. Касбий савия ва юксак маҳоратга эришиш учун, аввало, одамнинг ўзида ички қобилият бўлиши керак. Юқори иш унумдорлигига эришишга ҳафсала билан ишларнинг ўзи ёки касбий диплом кифоя эмас, унга вижданан, уддабуролик кўрсатиб, ишлаш керак. Мен ҳар ишмидан ўзим ҳам илҳомланниб, бошқаларнинг ҳам кўзини қуонтириб, меҳнат қилишни яхши

– 1та дарвозани пайванд қишига қанча вақт кетади?

– Дарвоза ўлчами бўйича андавазий маҳсулот ҳисобланади. 1та дарвозани камиди 1 ҳафта, энг узоги 15 кунда тайёрлаш мумкин. Тўсиқларни эса турли ўлчовга эга бўлгани учун энг ками 1 кун, энг кўпи 2 ойда бажариш мумкин.

## ХОМАШЁДАН ТАРАЛАЁТГАН ҲАРОРАТ ВА ҲИД ХУДДИ ОҲАНРАБОДЕК ТОРТАРДИ...

тиббиёт билим юртини тамомлаб, бу касбни ҳам ўзлаштиридим. Ҳеч афсусланмайман. Чунки табиатан, сергайратлигим туфайли бир ёки икки иш билан аспло қаноат қилолмайман, қўлимдан кўп нарса келишини хоҳлайман. Қолаверса, оиласда ёлғиз ўғил бўлганим учун, ўйда ҳамма ишни отам иккимиз бажарамиз, бирорта устага эҳтиёж йўқ.

– Ўзингизни таништириб ўтсангиз.

– 1993 йили Шимкент шаҳрида пайвандчи уста Шавкат ака ва уй бекаси Муқадас опа хонадонида, опажонларим Феруза ва Мунисалардан кейин учинчи фарзанд бўлиб туғилдим. Улуғбек номидаги 3-сонли мактабни тамомлаб, Шимкент шаҳридаги тиббиёт коллежида ўқидим. Ўтган йили ўйландим, турмуш ўртогим Тахмини савдо ходимаси, Худо хоҳласа, яқин кунларда ота-она бўламиз.

– Ота касбига қачон қизиқиб қолдингиз?

– 7-синфора ўқиб юрганимда, отажоним бошқа шогирдларига қўшиб, мени ҳам мижозларнинг ўйларига олиб бораради. Бошида оддий дастёрлик ишларини бажариб юрдим. Асбобларни бериб туриш, иш тугагач, тозалаб-йигишириш каби юмушларни бажарардим. Кейин эса беихтиёр, ясалган тайёр буюмларга қараб, қўл меҳнатини талаб қиласидан ушбу машақатли касбга кўнгил қўйдим, уни теран ўзлаштиришга ихлос ва ҳафсала пайдо бўлди. Металл ёки темирни тўғирлаш, букиш, қирқишиш, эговлаш, тозалаш, ишқалаш ёки олов таъсирида симобдек эриётган хомашё, ундан таралаётган ҳарорат ва ҳид мени худди оҳанрабодек тортарди...

Хуллас, 18 ёшимда уста сифатида танилиб, мустақил ишлай бошладим, мижозларим кўпайди.

– Демак, сизнинг биринчи устозингиз отангиз. Ҳеч қаерда ўқимасдан, отангиз ёрдамида газ, электр пайвандчилигини ўргандингиз?

– Суҳбатимиз бошида бошқа ҳунарлар ҳақида ҳам айтиб ўтдингиз..

– Сантехника, энергетика, мебелсозлик, ёғочсозлик каби ҳунарларнинг ҳаммасини ўргандим. Ўйда бу каби ишларни ота-бола бемалол уддалаймиз. 3 йил опдин катта бир цех очиб, давлат тендерларида қатнашиши ўйгла қўйдик. Мактаблар учун парта ишлаб чиқара бошладик. Ойига 300та парта тайёрлаб, "Алимархан" фирмаси номидан Қозоғистоннинг турли шаҳарларига етказиб бера бошладик. Соф фойда – ойига 500 минг тенге эди. 5 одам иш билан таъминланди. Шу тарика темирчиликдан, ёғочсозлик ёки мебелсозликка ўтдим. Фаолиятим турлари кенгайган сари бошқа шаҳарларда ҳам кўпроқ ишлай бошладим. Масалан, пойтахтда соғликни сақлаш вазирлигининг иш кабинетларига жиҳоз тайёрлаш юзасидан буюртма олдик. Тараз шаҳрида эса катта бир мактаб (раками ёдимда йўқ) учун темир тўсиқларни ишладик. Кўпроқ Қарағанди шаҳрида меҳнат қилишга тўғри келди. Ҳокимлик тендерида ютиб, Шарқий Қозоғистон вилоятидаги Ақтўғай қасабасида катта истироҳат боғининг темир тўсиқларини тайёрладик.

Албатта, оддий мисол: темир ёки металл билан ишлаганда, қириндиларидан ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак. Уларни қўл билан олиб ташлаш ва пулфаб кетказиши ярамайди, акс ҳолда, қўл ёки кўзга жиддий жароҳат етказади. Қиринди соч орасига тушмаслиги учун доимий равишда боз кийим билан ишлаш зарур. Кейин пайвандчининг иши бевосита олов билан боғлиқ. Газ қувурларини бир-бирига шундай пайвандшар кераки, газдек юқори босимга бардош бериши керак. Бу ниҳоятда, мураккаб жараён. Техник ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилинmasa, оқибати ёмон.

Айни пайтда қурилиш ашёлари савдоси билан ҳам шуғулланяпман. Савдо дўйонларим бор.

Қўриб турганингиздек, йигит киши ўддабуро, ҳунарли бўлса, ҳар жойда иш топади, ризқи бутун бўлади. Буни Қудрат яхши ҳис қипади ва ҳар куни ўз ишига астойдил киришиб, нафақат электртазлапайвандчи, балки савдо ҳодими сифатида ҳам мижозларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Ишини тез, сифати ва пухта қилгани учун ҳар мижозининг танишлари – 3-5 одам, албатта, уни излаб келади. У эса вақтни жуда қадрлайди. Чунки "вақтни кетди – нақдинг кетди", деган нақла амал қилиб, ўсмирлик чогини беҳудага ўтказмади. Бу эса унинг ҳаётда муҳим ишлар қилиши имкониятларига кенг ўйлаб берди.

Баракалла, шундай қўли гул, ҳаммабол ёшларимиз кўпаяверсин!  
Н. МАВЛОНОВА.

## Ҳалинами оила

Мен Назар Шароф ўғли ака билан кўп бор сұхбатда бўлганман. Шароф ака ўғил фарзанд кўрганда элнинг назарида, хизматида бўлсинг дея, Назар деб исм қўйган экан. Фарзанд ҳақиқатдан ҳам умрининг охирига ҳалқ хизматида бўлди.



Раҳматли Назар ака шаҳар қўчаларини асфальтлаш, мактаб қурилишида елиб-югуриб хизмат қилар, ҳатто ишчиларга уйида тушлик ҳам тайёрлаб берарди. Мен Назир акани, отам Шароф акани яқиндан танир эдик. У кишининг ҳалқ учун қилган яхшиликлари, меҳнаткашлиги, ҳалқпарвар инсонлигини айтib юрарди, дадам. Унинг ўғли Назар ака ҳам ҳалқпарвар инсон бўлди, деб қўяр эди.

Назар ака мен билан сұхбатда Норжон опа билан оила кўрганларида "Аллоҳдан кўп фарзандли бўлишини сўраб, дуо қилганман", деганди. Назар ака Норжон опа билан 5 ўғил ва 3 қизни ҳалол едириб, тарбиялаб, вояга етказди. Иккинчи фарзанди – қизи Гулчехра "Катта бўлсам муаллима бўламан", дер эди. У устозлик касбини танлаганида ота-онаси жуда хурсанд бўлишиди. "Чунки, бобосининг ҳалқ учун қилган хизматларини келажак авлодга айтib юрсин". Мактабни аъло баҳолар билан битирган Гулчехра 1985 йили ТошѓУ университетининг рус филология факультетига ўқишига кирди. 1990 йили олий маълумот соҳибаси бўлди. Шу йили, яъни 1990 йил сентябрдан бошлаб, бобосининг номидаги Шароф Ниёзов номли мактабга рус тили ўқитувчиси бўлиб ишга жойлашди. Ўзбек ҳалқида бир нақл бор, "Дараҳт бир жода кўкаради", деган, мана 31 йилдан бўён шу мактабда рус тили фанидан ёшларга сабоқ бериб келмоқда. Мактаб маъмурияти томонидан кўп бора "Мақтов қоғози" билан тақдирланган.

Гулчехранинг оиласи ҳақида ҳам айтиб ўтишни лозим топдим. Гулчехра 1990 йили Болтабой ака ва Комила ая хонадонига келин бўлиб тушди. Болтабой аканинг уч қизи ва икки ўғли бор эди. Оиланинг тўнғичи Бобоҳон билан оила қуришиди. Йигит Тошкент темир йўллар институтининг алоқа факультетини тамомлаб, депода алоқа бўлимини бошқарар эди. Яхши тарбияланган доно, билимли, ўқимишли қиз Назар ака ва Норжон она оиласида ҳеч қийналмай, қайнота ва қайнонанинг ҳурматини жойига қўйиб, хизматини аъло даражада уддалаб, устозлик касбини ҳам давом эттириди. Ҳар куни қайнона ва қайнотанинг "Қўша қаринглар, баҳтли бўлинглар, шундай ақлли, меҳнаткаш, уддабуро, келинлик вазифасини аъло бажаридиган қизни тарбиялаган ота-онанга минг раҳмат!", деган дуоларини олиб юрди. Болтабой ака қўй боқишини яхши кўрар эди. Ҳар доим 5-6 қўй боқиб, алмаштириб турарди. Бир куни келини Гулчехра "Дадажон бир сигир ҳам боқсак бўларди. Сутини ичардик", деди. Шунда қайнотаси "Келин сенга уй ишлари ҳам етарли. Ўзинг мактабда ишласанг, йўқ, қийналиб қоласан", дея кўнмаган эди.

Ушбу оила ҳозирги кунда ибратли хонадонлар каторида ҳаёт кечирмоқда. Гулчехранинг икки ўғли ва бир қизи бор. Олти нафар невара бува ва бувининг овунчоги. Ўғиллари Дилмурод ва Диёрбек Хитойнинг Сиань шаҳрида таҳсил олиб, хитой тилини мукаммал ўзлаштиришиди. Ҳозирги кунда "Болтобой бобо" кичик корхонасини очиб, падари бузруквори Бобоҳон бошчилигида Туркистон шаҳрини ободонлаштиришда хитойликлар билан ҳамкорликда хизмат қилмоқда.

Гулчехрага ёшларга таълим-тарбия беришда зўр кучайрат, умр йўлдоши билан неваралар роҳатини кўриб, қўша қаришларини Аллоҳдан сўраб қоламиз.

Мирзахон ҳожи АДҲАМ ЎҒЛИ,  
Туркистон вилоятининг  
ибратли фуқароси.

## КЕКСАЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ – ОЛИЖАНОБЛИК

Вилоят маркази Туркестон яқинидаги Қорачиқ қишлоғида ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, рўйномамиз жонкуяри Мирзахон ҳожи Адҳамов қатор залворли тадбирларни амалга ошироқда. У қишлоқ равнақига муносиб улуш кўшган нуроний отахонлару кайвони онахонларнинг ҳолидан доимо хабар олиб, совға-саломлар улашиб келмоқда.



Туркестон диёрида танилган уламо Маъман махсум Исломовнинг зуриёди Бўрибоя ота Маменов бугун қишлоқнинг дуогўй фаол қарияларидан бири. Болалигидан Ислом арконлари, араб алифбосини отасидан ўрганиб, Қуръони Каримни бемалол ўқий оладиган Б.Маменов ўтра мактабдан сўнг ДОСААФ автомактабида 6 ойлик курсларда таҳсил олди. 1962 йилдан донгдор “Победа” хўжалигига аввалига юк автомашинаси, 1970 йилдан автобус рулини моҳирона бошқарди. 1984 йилдан эса хўжаликда кассир бўлиб ишлади, 1996 йилдан “Туркестон” ширкатининг мой-ёнилги қисмига мудирилик қилди. 2003 йили нафақага чиққан, қишлоқ фахрийлари кенгаси ва қишлоқ марказий жоме масжиди ҳайъати фаолиятида фаол. 2008 йили муборак хаж сафарини амалга ошириди.

Раҳматли умр йўлдоши Мафурат Абдулла қизи туманда илгор пиллакорлар-

дан бўлган, режани доимо ортиги билан уddaлаган зарборд эди. Улар 11 нафар фарзандни муносиб вояга етказиши. Тўнгич ўғли Саъдулла барвақт вафот этди. Ўғиллари Ибодулла ва Асадулла – хисобчи, Ҳабибулла – тадбиркор, Зикрилла – қозок тили ўқитувчisi, Зиёдулла – қишлоқ хўжалиги ходими. Қизлари Бибисора, Гулсора, Марҳамат ва Муножот – уй бекалари, Умидга – 11-синф ўқувчisi.

Жорий йили 80 ёшли қарши оладиган отахон ҳамон меҳнат қиласи, молларга ўзи қараб, ем-хашакни ўзи ғамлайди. Илоҳим, кўз тегмасин. Марказ раиси М. Адҳамов Бўрибоя отага сиҳат-саломатлик тилаб, кўксига “Меҳнат фахрийси” медалини тақиб қўйди. Мукофот муборак, қадди букилмас отахон!

**Сайд ХАЙРУЛЛОХ.**

**Суратда:** қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Мирзахон ҳожи фахрий Бўрибоя отани қутламоқда.

Президентимиз Қасим-Жўматр Тўқаев элемизда кексаларга алоҳида эътибор қаратиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш зарурлигини доимо таъкидлаб келмоқда. Жойларда ҳам бу борада изчиллик билан ишлар олиб борилмоқда.

Туркестон вилояти ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси мувовини, “Улес” хайрия жамғармаси раиси Райимжон Қўчкоров раҳнамолигида бу борада қатор залворли ишлар амалга оширилмоқда. Ёши улуғ инсонлар ҳолидан хабар олиниб, байрамларда совға-саломлар мунтазам берилмоқда. Эҳтиёж-манд кексаларнинг хонадонларини таъмирлаш, кир ювиш машинаси, музлатгич каби кундаклил эҳтиёж молларини тақдим этиш анъанага айланган.

Р. Қўчкоров яқинда сўлим Кариз қишлоғида истиқомат қилувчи 84 ёшли меҳнат фахрийси Маъриф ота Матиевнинг хонадонига ташриф буюриб, яқинлашиб келаётган ҚР Конституцияси куни байрами билан муборакбод этди ва отахоннинг кўксига “Халъқ қўрмети” (“Халъқ эҳтироми”) орденини тақиб қўйди.

7 ёшидан “Бирлик” жамоа хўжалигига ишлаб,

## КЕКСАЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ



айни уруш йиллари эшак аравада буғдорни омборга ташиш, сув келтириш ишларини бажарган, серзахмат меҳнати илиа буюк Галабага муносиб улуш кўшган Маъриф Аҳмаджон ўли 1955 йилдан “Победа” хўжалигининг 4-пахтачилик бригадасида сувчи-мироб бўлиб ишлади, фидокорона меҳнати илиа обрў-эътибор қозонди. Минглаб гектар ястаниб ётган пахта далаларини бир текисда сугориш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган машақатли меҳнат. Катта кетмонни орқалаганча, кунни тунга улаб, далада меҳнат қилган донгдор сувчи Маъриф Матиев 1992 йили нафақага чиққан эсада Туркестон шаҳридаги марказий мол бозорида даллоплик қилмоқда.

У жамоат ишларида фаол, Туркестон вилояти оқсоқоллар кенгаси аъзо-

си. Умр йўлдоши раҳматли Болтош Жалил қизи билан 5 нафар фарзандни муносиб вояга етказиши. Ўғиллари Зокир – тарих ўқитувчisi, Қосим ва Ҳошим – бўрдоқибоқарлар. Қизлари Шакарой ва Шарифа уй бекалари. Оиласа бирин-кетин вояга етётган невара-эрваларининг ютуклари бобосига қувонч бағишлайди. Ёши улуғ бўлса-да, ҳамон тетик, ғайрат илиа далада меҳнат қилаётган отахонга қараб, ҳавас қиласан, киши. Илоҳим, кўз тегмасин. Маъриф отани юксак мукофот илиа қутлаб, сиҳат-саломатлик, узок умр тилаб қоламиз.

**Сайд ТУРСУНМАТОВ.**

**Суратда:** жамоат арбоби Райимжон Қўчкоров ва фахрий Равшан Исоқовлар Маъриф отани қутламоқда.

### ● Ҳидоят сари

Баракасиз оиласининг белгиси – оила-аъзоларининг рўшноси ҳаёт кечиришида. Бундай оиласининг кун кечириши самимиятдан, инсонийлик фазилатлардан йироқ. Оиласини муносабатда ўзаро ҳурмат – ишончга нисбатан такаббурлик устун. Бундай оиласинда бирон мураккаб вазият юзага келса, яхшиликка олиб бормайди. Бундай мухитда тарбияланган шахслар баракасиз кун кечиради. Ҳаловат-файз топмай дол бўлади. Баракасиз оиласининг яна бир белгиси – ношукурлик, такаббурлик дардига учрайди. Ота фарзандининг мутлоқ бенуқсон бўлишини хоҳлайди. Бу мумкин эмас нарса.



## ОСОЙИШТАЛИК АЛЛОҲНИНГ ТУҲФАСИ

Янглиш йўл тузогига тушганлар айлашни қурол хисобида оила тартиби жойлаштиради. Оила аъзоси камчиликсиз талабга мувофиқ бўлмаганилигидан айлов бошланади. Оила бошлиги бошқанинг боласига қарши, бошқанинг аёли қандай, деган урушжанжал чиқаради. Баракасиз оиласининг одамлари ўзларига хос ўй, ҳис, атвор, қобилият, истак-мақсад билан ҳаракатларида умуман янгилишади ёки баракасиз ҳолатга мубтало бўлади. Сабаби оиласида мустақил фикр айтишман этилган. Ман этилган тифайли айлаш туғилади. Оиласида узоққа чўзилган гина курдат одатга-қолипга айланади. Бундай ёмон одатлар баракасиз оиласининг турмуш тарзига айланиси кетади. Муаммолар тамом бўлмайди. Шунинг натижасида оиласида ҳеч ким бир-бираiga ишонмайди. Бир-бираiga ёлғондакам ишонч билдиради. Бу – кўзбумачилик. Масалан, оила-аъзолари, оила бошлиғи масаласида сўз кўзғалса, бир-бираiga ишонмаслигини сездириб қўяди. Шу боис оиласида ўғсан бола ишонч, самимий муносабатни кўрмаганилигидан келажак ҳаётда ўзи ҳам ишонч ҳиссини кўролмайди. Ёрдам қўлини чўзганларга гумон билан қарайди. Ҳар бир ҳақ ишдан ноҳақлик излаб адашади.

Үтмишда бой ва золим подшо ўтибди. Унинг забт этмаган юрт-эли қолмабди. Зотан, подшо юраги беко уриб, ўзи қалтирайдиган дардга чалинибди. Даволаниш учун жуда кўп табибларни чорлабди. Келган табиблар унинг дардига даво топомай, ўзларининг ҳаётларидан жудо бўлибди. Кунлардан бир кун подшо ҳузурига келган табиб унга юзланиб: Агар менинг айтганларимни бажо қилсанг, сенинг дардинги тузата оламан, – дебди. Подшо эса: Сенга ўхшаган кўп аллома табиблар уриниб кўриб натижага чиқаромай бошлиридан жудо бўлди. Айтганинги бажо қиламан. Факат, мени даволай олмасанг, каллангдан жудо бўласан, дебди. Шуандан табиб подшо ҳаётда қараб “Битта чиройли ёш йигитнинг қонини иссиқ ҳолда ишсанг, тузаласан”, – дебди. Подшо эса йўли осон эканку, деб хизматкорларига чиройли ёш йигитни топиб келтиришни буюрибди. Иттифоқо, бир кампир билан чонлинг ёшгина боласини тутиб, олиб келтиришибди.

Подшо ҳузурига ёлғиз ўғилларни бўшатишиларни сўраб чол билан кампир ҳам келишибди. Подшо ҳаётда қараб “Мен дардимдан тузалишим учун фарзандларингизнинг қонини ичишим кераклигини табиб тавсия қилди. Сенларга ўғилларинг эвазига икки қоп тилла бераман, рози бўласанларми? – дебди. Подшо ҳузуринг золимлигидан хабардор чол ва кампир кўрқанларидан унинг шартига кўниб рози бўлишибди. Сунгра подшо ҳаётни чақириб “Мен шу йигитнинг қонини ичаман, динда талқини қандай?”, – деб

**Жумадулла АБЕНОВ.**  
Туркестон вилоятининг ибратли фуқароси.

# Кексаларни АСЛО РАНЖИТМАНГ...



Баён этилаётган ҳикоя аниқ воқеалар асосида қаламга олинган.

— Қайнонам “Чиллали хонада оғзига келганин гапиравермайды”, — деб, күп айтса ҳам, парво қилмасдим. Бу галгиси эса, менга унтутилмас сабоқ бўлди. Аттанг, ўзи ўтиб кетмаганларида эди, пойини ўпид, қадамини ҳидлаб юрардим.

Қаттиқ ранжитиб қўйган пайтим:

— Келинглар, кираверинглар, ўзи шундокқина тўзиган гилам,— дедим-да, жавон ишлайдиган уста йигитларни олиб келиб, қайнонам ётадиган хонадаги раҳматли қайнотам ишлаб берган кийим жавонини буздира бошладим.

Қайнонам кириб:

— Ҳой, кўзмунчоқларим! Нима қиляпсизлар? Ахир бу чолимдан қолган ёдгорлик бўлса, шу жавон бор экан, кўнглим тог, қалбим боғ бўлиб ётаман-ку ахир. Жон болаларим, бузмай қўяқолинглар,— дея қалтираган қўллари билан уларнинг ускуналарини четга олайпган экан.

Мен кириб қўлдим-да:

— Ия, ойи! Бу нима қилганингиз?! Мен ўғлингиз билан келишиб, алмисоқдан қолган жавонни олиб, замонавийсини ишлатмоқчимис. Эртага келин туширганимда, дўсту-душман олдида ер бўламиз ахир. Уй-жойи хон саройидегу, бир чеккада сўппайиб, эски жавон турибди, демайдими!

— Вой, келин, менинг ётоқхонамгача меҳмон ўтирмаса керак. Рустамжон айтмадику, ахир мен шу жавон билан сұхбатдошу сирдошдек боғланиб қолганимни биларди, — дея, охиста гапирди, ранжигани сезилиб туради.

— Эй, қўя қолинг, қачон элу юртга ўхшаб, ўз бошимиз билан иш қилар эканмиз. Қачон қарама, йўқ, бу ундоқ, манави мундоқ, чарчаб кетдим ахир,—дея ошхонага чиқиб кетдим. Қайнонам шу куни овқат ҳам ичмади.

Мен ўллабман: «Менга қасд қилиб ичмаяпти». Ичимда хом ва ғараз фикрларга борибман: «Туяга янтоқ керак бўлса, бўйничи чўзади. Битта жавонга шунчами? Янгисини ишлатиб қўйдикку ахир!» деб, мен ношуд юраверибман.

Кунлар ортидан кунлар ўтди. Тўй куннимиз яқинлаб қолди. Уйимизга келиб-кетувчилар серқатнов бўлиб қолганди. Бешта қайинсинглум бор, уларнинг болалари ҳали ёш. Орқасидан томдирмай енг, ютурманг, чангитманг», — деб юраман.

Қўшиллар кириб қолишиди:

— Ойзодахонуу, ҳай, Ойзода, Ойзод!

Чиқиб қарасам, маҳалламиздаги катта аёллар экан.

— Келинглар, келинглар! — деб, кутиб олдим.

Ичкаридан қайнонам чиқди:

— Во, ажабо! Фаришталарим, жона-жонларим, меҳрибон дардкашларим, келинглар, ҳовлимни жаннат ҳиди тутиб кетди-я, пойи жаннатларимдан ўргулай! — деб, елиб-югуриб кутиб олишиди.

Бешта бўлиб киришган экан. Дастанхон тузатдим, тўйга олган у-бу нарсалардан қўйдим. Шунда ҳам мен таъмагир, яхши данакларни қўймадим. Арзон майизлардан қўйдим.

Уларни ҳам кутиб жўнатдим. Шундан кейин қайнонам, хокисорлигини айтаманда. «Мана, Дилбархон», — деб, улар тўёна учун йигиб берган пулларини менга берди.

— Тўй сизларники, сунбулсоҳим, ўзинглар бирон кам-кўстингларга ишлатарсизлар. Менга пулни нима кераги бор?» — деб, эллик минг тенге пул берди. Мен уни зудлик билан ўз ўрнига ишлатиб юборгандим.

Кунлар ортидан кунлар ўтиб, осто-намга келин ҳам келди. Данғиллама тўй

қилдик. Эртасига келин саломларни ол-дик. Қайнона бўлиб ўзимча тилла тақдим, душманларим кўйсин, дедим-да. Бирдан янгалари чилдирмани жаранглатиб: «Нон ёпишга эринган, ўғил туғдим, деб керилган. Салом, салом, ёр-ёр, келин салом, ёр-ёр, қабул айланг, қайнонаси, сизга салом, ёр-ёр», деганини биламан, гавжум аёл орасидан керилиб чиқиб: — «Барака топсин, туғишта шошиб кетмасин, қайинсингилларим болаларининг шовқини кулоғимда жаранглаб туриби, дам ол-волай, сиз асал чойлар бериб, тезор да-волоссангиз бас.» — дедим қизиқ бўлсин, деб, атрофимга қарасам, хамма қах-қаха отиб кулишайти-ю, қайнонам қўлни дуога ёйиб, ўтирган экан. Ичимда:

— Бу нимаси яна? — дедим-да, парво қилмадим.

Келиним бир йил ўтдики, янгилик айтадиган эмас, мана энди бошланди, халқнинг элагида эланиш.

Қайнонам роппа-роса тўйдан бир йил ўтгач, ёзинг жазира маиси қунида 20 июнда вафот этди.

Ўзи доим айтар эди:

«Қиши ўлдирма, ёз ўлдир, оч ўлдирма, тўқ ўлдир,» деб.

Шундай қилиб, уйимиздан барака қочди. Аттанг, эрта англаб етганимда эди. Шу ҳовлида өлпиниб, оқ рўмолни бошига ташлаб ўтиришлари барака экан-ку.

Келиним беш йил бола кутди. Ўғлим билан мактаб давридан кўнгил қўйишиб, аранг етган ёшлар муҳаббати, фарзанд кута-кута нафратга айланганди. Кунда

иккиси қий-чув, оралари совийвериб, охир-оқибатда ажрашиб кетишиди.

«Ўғлим, хафа бўлма, кўча тўла қиз», десам: — Эй, ойи, бувим қанча айтардилар сизга, «оғзингга келганини, бўғзингга ют, гапирма», десалар ҳам, келинсаломда ажойиб табриклар айтдингиз, мана, шошмай невара кўрасиз. Асал чой ичасиз», деб анча таъна гаплар айтди.

Роса хафа бўлдим, кейин туни билан ухламай, нега бундай бўлди?

Қаерда хато қилдим, десам, ой нури ялтираб, қайнонамнинг деворда осиғлиқ турган суратига тушив, юзлари ялт-ялтираб кўринди. «Аттанг, онажон, ёнимда бўлсангиз эди», деб роса йигладим.

Ҳаммаси кеч эканини энди англаб етгандим...

Дилбар опа гапини тўхтатди. У катталар гапи бекор эмаслигини энди англаб етганди.

Қиссадан ҳисса шуки, кексаларни фариштага қиёслаймиз, фаришталар эса, ёмонликни раво кўрмайди, қилмайди ҳам.

Дилбар опа адашганига кўзи ётди. Ағсус-надоматда яшаяпти, бу кимга керак?

Азизларим, ҳаммамиз кексаларни, оналаримизни, бувиларимизни ардоқлайлик.

Сизларга бўлган воқеани имкон қадар, етказишига ҳаракат қилдим.

**Элдорбек ТАТИЕВ,**  
**«Шуъла» ижодий уюшмаси аъзоси.**

## Қўнгил битиклари

- Одамзод нима учун кафтадек ҳовлисига гул экади? Ундан кўра шолғом экса, қозонига тушади-ку.
- Одамзод нима учун булбул чах-чахини эшишганда энтикиб кетади? Ундан кўра, булбулни шўрвага солиб пиширса, нафсини қондиради-ку.
- Одамзод нима учун осмонда чараКлаб ётган юлдузларни кўриб, кўнгли завққа тўлади? Юлдузлар унинг ҳамёнидаги тиллалар эмас-ку.

- Одамзод нима учун китоб ўқиётуб, суюкли қаҳрамони ўлиб қолса ўйглайди? Уни ёзувчи «ичидан тўқиб чиқарганини» билади-ку?
- Одамзод нима учун ўзга юртларга бориб беҳисоб молдунё орттирасаю, имтифоқо болалиги кечганд кулбаси тушига кириб қолса, туни билан ўйглаб чиқади? Ахир у шоҳона қасрда яшайди-ку.
- Одамзод нима учун боласи-

нинг бошида алла айтади? Гўдак алла эшишмаса ухламайдими?

- Одамзод нима учун неварасини етаклаб неча замон аввал ўтиб кетган бобосининг қабрини зиёрат қиласди? Марҳумни улар кўрмайдилар-ку?!
- Гап шундаки, Одамзодни ҳайвонотдан ажратиб турадиган чегара бор. Бу чегаранинг номи «Маънавият» деб аталади.

Ўткир ҲОШИМОВ.

## Донолар бисомидан

• • •

Ёлғон қарши қаратилган одамдан олдин унинг эгасини ҳалок қиласди.

• • •

Кечириш жазолашдан кўра, кўпроқ жасорат талаб этади.

• • •

Иккюзламачи – ҳамиша қўл.

• • •

Кун вайрон қилганин тиклаш учун аср керак.

• • •

Ҳақиқий мағлубият, ўнглан-майдиган ягона мағлубиятни

— душмандан эмас, ўзингдан то-пасан.

• • •

Ҳар бир жасоратли, ҳар бир адолатли шахс Ватанга шон-ша-раф олиб келади.

• • •

Соғлом бўлишини истаган одам биринчи галда ён-атрофидаги ҳавони тозалаша керак.

• • •

Ҳасадгўйлар – ўта юраксиз кишилардир. Оёғини босиб олганингизда ҳам юзингизга кулиб қараб тураверишади.

## ХАБАРЛАНДЫРУ

Шымкент қаласы білім басқармасының №54 жалпы білім беретін мектебі» коммуналдық мемлекettіk Қамқоршылық конесінің мүшелерін тағайында туралы конкурсы жарияланады

Қамқоршылық конесінде қырамына конкурсқа мына азаматтар (азаматшалар) қатыса алады.

1. Жергілікті өкілдік, атқарушы және құқық қорғау органдарының өкілдері.

2. Жұмыс берушілер мен өлеуметтік әріптестердің өкілдері.

3. Коммерциялық емес үйимдардың өкілдері.

4. Ата-аналар комитеті ұсынған әр бір параллель сыйнаптан курсан сол білім беру үйимдарында білім алушылардың ата-анасы немесе занды өкілдері.

5. Қайрымдылық жасаушылар.

Ұйымдастыруышы: «№54 жалпы орта білім беретін мектебі» коммуналдық мемлекettіk мекемесі әкімшілігі.

Байланыс телефоны: 45-50-42.

Туркистан вилоят «Жанубий Қозоғистон» ижтимои-сиёсий газетаси таҳририяты фаол жамоаты Қодиржон Шодиев, истеъфодаги милиция зобити Абдурашид Шодиев ва истеъфодаги полиция зобити Собиржон Шодиевларга волидаи муҳтарамалари

**ХАЙРИНИСА ая-**

нинг вафот этганилиги муносабати билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ мархумани ўз раҳматига олган бўлсин.

Муассис – Туркистан вилояті ҳокимлиги.

Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимои-сиёсий газетаси таҳририяты» масъулияти чекланган биродарлары.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шымкент шаҳри, Диваев күчаси, 4-йй, 4-кават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-



Яқында ижтимойи тармоқларнинг биринча жамбилик түккүз фарзанди полициячи аёл ҳақидаги маълумотлар тарқалди. Бу хабарнинг аниқлигини билиш мақсадида Қозоғистон ўзбеклари этномаданият бирлашмаларининг "Дўстлик" ҳамжамияти раисининг спорт ва туризм бўйича ўринбосари, Жамбил вилояти ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, Халқаро Кураш ҳамжамиятининг президиум аъзоси ва ҚР бўлими бўйича раиси Баҳром ака Мўминовга мурожаат қилдим.

Кўплар жазм этолмайдиган ва зифани зиммасига олган маъсума ўзбек аёли катта ҳарфлар билан ёзиладиган Қаҳрамон ва уни мухлисларимиз билан таниширишимиз кераклигини айтдим. У ҳақиқатан ҳам Тароз шахрида истиқомат қилишини, ҳамюрларимиз у билан фархланишларини таъкидлади. "92 бовли ўзбек уруғи", бироз тадқиқ қилинса, қадрданларга айланishi шу тобда иш берди. Халқимизнинг таниқли фарзанди Аббосхўжа Кенжаконовнинг фарзанди, Дилафрўз Шимкентга келин, ҳордик кунларини фарзандлари билан учинчи мегаполисда ўтказар экан. Сұхбатлашиб учун Тарозга йўлга отлашишнинг ҳам, ижтимоий тармоқ орқали видеокўнгироқ қилишга ҳожат ҳам қолмади – танишиб, дийдорлашишга не етсин?!

Карантин чораларини унутмаган ҳолда ва болаларнинг таътилини самарали уюштириш ниятида қаҳрамоним билан истироҳат боғида учрашдик. Қадди-қомати қелишган, энди уч мучал ёшини кўрган фуқаро либосидаги полициячи билан сұхбатимиз мароқли кечди. Уни тинглар эканман, бир зум бўлса-да унинг ўрнида ўзимни тасаввур қилишга ҳаракат қилиб кўрдим. Үндаги сабр-матонат, бардош ва масъулиятнинг юкини ҳис этишга ҳаракат қилдим, воқеликда елкаларимда қаттиқ оғриқ турди, сұхбат давомида тобора буқчайиб бораётганимни хис қилдим. Ҳа, бундай жасоратга ҳамманинг ҳам фитрати дош беролмайди. Нима қилса ҳам ички ишлар соҳасида руҳан анча тоблангани нигоҳларида, ишонч билан айтаётган гапларида, хулосаларида ўз аксими топарди.

Болалигидан ички ишлар соҳасида ишлашни орзу қилди. Орзуси уни Шимкентга етаклади. 2002 йили Б. Мўмишули номидаги ИИВнинг мактабига ўзишга кирди, уни тамомлаши билан шимкентлик йигитга турмушга чиқди. Полиция хизматига ишга кирди. Бироз йиллар Тароз шаҳар Полиция бошқармасининг ювенал полиция хизматида меҳнат қилди. Сўнг ўша бошқармада катта нозир лавозимига ўтди.

2019 йил унинг ҳаётига ҳам тарихий, ҳам тубдан таҳрирлар олиб келди. Асли касби қаровсиз қолган болаларни рўйхатга олиш, уларнинг оиласи, яшаш шароитлари билан танишиб, ичкиликка ружу қўйган ота-оналарни тартибга чакириш, қаровсиз қолган болаларни аниқлашдан иборат эди. Ҳаёт Шимкент-Тароз ўтасида давом этди. Ёшлар тўрт ўғилли ва бир кизли бўлишиди.

– Ўша йили август ойида Тароз шаҳидаги 55-сонли мактабда вояга етмаган болаларга доир ҳужжатларни расмийлаштириш, уларни расмийлаштириб, мактабга юбориш ва уларнинг оиласирига ёрдам беришга ўйналирилган тадбир ўтди. Ўша куни бир кекса киши келиб, биздан ёрдам сўради. Шароити ноҷорлигини, тўрт бола билан ўғиз яшашини маълум қилди. Унинг оиласига бордик. Тўрт нафар бола яшайдиган шароитни тасвирлаб беролмайман, жуда аянчли. Улар яна мактабга ҳам боришмайди, уст-бошлари юпун. Болалар она тайёрлаб берган мазали

таомни емаганларига анча вақт бўлган экан. Оналари бедарак йўқолибди. Уларни уйимга олиб келиб, оналарига қидиув эълон қиламиз. Аёл топилгунга қадар бирга яшаймиз, деган қарорга келдим. Фарзандларим ҳам бунга рози бўлишиди!

Бахтсизликни қаранг – тўрт бола ва отаси билан яшаётган ёлғиз аёл таом тайёрлаётib, овқатга зарур сабзавот-

**Ҳа, бундай жасоратга ҳамманинг ҳам фитрати дош беролмайди. Нима қилса ҳам ички ишлар соҳасида руҳан анча тоблангани нигоҳларида, ишонч билан айтаётган гапларида, хулосаларида ўз аксими топарди.**

ларни олиб келишни ўғилларига айтган. Улар ҳадеб эринчоқлик қилиб, пайсалга соловергач, ўзи дўконга чиқиб кетган ва... уйга қайтиб келмаган. Тасаввур қилинг, қозон оловда, масалликлар қовурияпти, бека маҳалласидаги дўконга чиқсану, дом-даркасиз йўқолган. Даҳшат, тўғрими? Алкоголь ичимликлар ичмайдиган, гиёҳванд моддаларга умуман яқин йўламаган, болалари учун масъулиятли аёл худди сомонга игна тушгандек фойиб бўлди.

– Аёлнинг аянчли тақдирини кейинроқ тергов, суроштирув натижалари орқали билдим. Болаларни олиб кетгандан сўнг бир ой ўтгач, уларнинг ҳужжатларини рас-

гумонлар, дашном ва гийбатларнинг кучи йўққа чиқди.

– Тўғри, мен асраб олган болаларимнинг буваси бор, ахир қандай қилиб, мен уларни ягона қондошидан маҳрум қилиб, "Сенлар менинг болаларим, буваларинги эса кексалар уйга топшираман", деб айтаман. Отамиз, биз у кишини шундай айтамиз, менга отамдек қадрли инсон.

Оиламизнинг дуогўйи, беш вақт намозларида менинг иқболимни, баҳту соадатимни сўраб турган инсон ҳам менинг оиласи.

Дилафрўзнинг янги оиласи ҳам унга багир босиб қолди. Тўнгичи Марат 19 ёшга кирди, Раҳим 17да, Диана 7да, Ра-

миля 11га кирди. Улар Диёрбек, Достон, Паризода, Сарварбек, Чинор билан анча қадрданлашиб қолишибди. Табиат кўйнига, ҳордик чиқаришга бориша, бир машинага сиғишишмайди. 11 кишилик кичик автобус ёки иккита машина улар учун хизматда бўлади. Оиланинг катта ўғиллари: Марат, Раҳим ва Диёрбек коллеж талабалари, машина устахонасида меҳнат қилишишпти. Бири машинист ёрдамчиси қасбини тамомласа, яни бири электрич, тогаларининг устахоналарида ишлаб, оила даромадларини оналарига олиб келишади, ҳатто байрам ва таваллуд кунларида кутилма-



мийлаштиридим. Аёлнинг мурдаси қўшни давлатда, дарё қирғодиган топилган ва шу ерга дафн этилган экан. Карантин чоралари тугагач, оиласи билан бориб, унинг қабрини зиёрат қилиб келишни режалаштирямиз.

Болаларга келсан, уларнинг уч нафари ўғил ва бирни қиз бўлиб, жуда камсукум ва тарбияли, нигоҳларида мунг яширинганд... Шароитларини кўриб, болаларни буваси билан қўшиб, уйимизга олиб келдим. Ўзимнинг беш нафар болаларим ҳам уларни жуда илик қабул қилишибди. Болалар ва буваларининг розилиги билан уларни ўз номимга расмийлаштиридим. Уларни болалар уйига топширишга виждоним йўл бермади, асраб олдим. Фарзандларим ҳам акалари ва синглиси кўпайганига кувонишибди.

Руҳи кучли аёл масъулиятдан қочмади, қийинчиликлардан кўркмади. Ҳатто "70 ёшли чонни бошининг урасанни" деб фийбат қилганлар ҳам бўлди. Мехрга ташна болалар қўзидағи мунгни кувончга айлантиришдек мақсад олдида шубҳа-

**...алимент тўлашдан бош тортаётган ва турли баҳоналар билан даромади камлигини рӯқач қилиб, қонунни "айланиб" ўтишга ҳаракат қилаётган, ҳуллас, ўз фарзандининг безавол камол топишига тўсқинлик қилаётган баъзи "ота"ларга Дилафрўз ҳаётий мисол.**

ган совғалар билан меҳрибон ойижониси-нинг кўнглини овлашга ҳаракат қилишибади.

– Шундай пайтларда жудаем хурсанд бўлиб кетаман, ўзимни энг баҳтили она деб хис этаман. Мана, Ҳудога шукр, болаларимнинг кўзларида кувонч акс этяпти, аввалги қийинчиликларни секин-аста унтишпти. Ҳар бирни олдига ўзича мақсад кўйган.

Уйимиз болалар кулгусига тўляпти. Яратган мени беҳудага ўша хонадонга юбормаган ва уларга нисбатан қалбимга бежиз муруват солмаган, бу аниқ. Кўнгли ярим болаларининг оиласи бутун бўлиши учун менга бу масъулиятни оналик меҳрига сингдириб бергандир, балки деб



мушоҳада юритаман. Бироқ, болаларимни бир-биридан кам кўрмайман, улар менга тақдир ато этган тұхфаларим, – дейди Дилафрўз.

Оила болалар учун яхшироқ шароитларни яратиш мақсадида каттарок уйни ижарага олишга мажбур бўлди. Ризқни берувчи Аллоҳ – оиланинг касбу кори ҳам орти, шунга мувоғиқ даромади ҳам кўпайди, аввалилари оиланинг кенгайшига тўсқинлик қилганлар энди муруватларини аяшмаяпти. Оила қариндошлари бўлиб кутиб оладиган туғишиларининг сафи кенгайди. Ҳар таътил ва ҳордик кунлари болалар шимкентлик бува ва бувисининг хонадонига азиз меҳмон бўлиб келишибади – Шимкентнинг манзарали жойларни зиёрат қилиб, навбатдаги ўкув илигига куч иғиб кетишади.

Айни кунларда Дилафрўз Жамбил вилоят полиция департаментида алоҳида топшириклар бўйича катта нозира бўлиб ишляпти. Унинг бу соҳадаги меҳнатлари муносиб баҳоланган. ҚР Президенти Қ. Тўқаев жорий йил Ватан ҳимоячила-ри куни она юрти олдидағи хизматлари ва унинг тараққиётига кўшган ҳиссаси учун Дилафрўзни "Қўрмет" ордени билан тақдирлади. Мурғак қалбларга меҳр кўрсатган мурувати учун Д. Назарбаева "Хайрия карвони" танловининг ғолибаси бўлган сұхбатдошимни "Мейірім жолында" медали билан тақдирлади. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида Қозоғистон Халқи Ассамблеясининг XXIX сессияси спикерлик қилди.

Ҳамкасларни ҳам унинг танловини инсонийликнинг юксак намунаси сифатида қабул қилишиб, унинг эзгулигини нафақат аёлларга, балки эркакларга ҳам намуна қилиб кўрсатишиади. Айниқса, алимент тўлашдан бош тортаётган ва турли баҳоналар билан даромади камлигини рӯқач қилиб, қонунни "айланиб" ўтишга ҳаракат қилаётган, ҳуллас, ўз фарзандининг безавол камол топишига тўсқинлик қилаётган баъзи "ота"ларга Дилафрўз ҳаётий мисол.

– Боланинг бегонаси бўлмайди. Улар менинг қисматимга битилган жаннат чечаклари, менинг келажагим, истиқболим, нурли кунларим нашидаси. Уларнинг болаларча беғуборлик билан "онажон" дейшига, баҳтили болалиги учун меҳримни, ҳаётимни багишишга тайёрман, – дейди Дилафрўз сұхбатимиз поёндида.

Менинг ҳаётимда эса ягона фикр чарх уради – Она... шунинг учун ҳам оёғинг остига Фирдавс поёндо...

**Мунира САЪДУЛЛАЕВА.**

### ● Таҳририят меҳмони

## ФИРДАВСГА АЙЛАНГАН ОНА

Қалби меҳр ва муруваттага тўла аёл саноқли дақиқаларда қаҳрамон онага айланди. Ҳа, ҳа ишонаверинг, ўзи беш фарзанди дунёга келтириб, тарбиялаётганига қарамасдан, яна тўрт фарзандга оналик қилиш масъулиятини зиммасига олди.

Қаҳрамоним Дилафрўз Кенжаконова, мана, учинчи йилдирки, тўққиз фарзандга оналик қилияпти. Уларни оқ юваб, оқ тараб, ҳар бир боланинг табиатига, аниқроғи, тўққиз хил феъл-авторига мослаб, муомала қилияпти. Қизиги шундаки, унинг ҳаётиди аслида кўп нарса ўзгарди, тўғрироғи гарданига анча юқ олди: вазифалари, бурчлари, масъулияти кўпайди. Олдига қўйган мақсадлари ҳам залворли бўлди – энди тўққиз тақдир, уларнинг ҳаётиди, у қабул қила-диган қарор билан чамбарчас боғланди. Бу йўлда тинимсиз меҳнат қилиши жоиз, ахир вояга етмаганларнинг тақдирни унга ҳам боғлиқ.